


XIII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА БАНДЛИК

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2821,9 минг кишини ташкил қилди ва йил бошига нисбатан 58,7 кишига ёки 2,1 % га кўпайди. Шундан, 1 822,5 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 64,6 %) ва 999,4 минг киши – қишлоқ жойларида (35,4 %) истиқомат қилади.

Наманган вилояти ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

	<i>Доимий аҳоли сони, минг киши</i>		
	<i>жами</i>	<i>шу жумладан:</i>	
		<i>шаҳар</i>	<i>қишлоқ</i>
Вилоят жами	2821,9	1822,3	999,6
Наманган ш.	629,0	629,0	-
Мингбулоқ	126,3	43,9	82,4
Косонсой	209,4	126,1	83,3
Наманган	179,4	53,2	126,2
Норин	163,8	75,2	88,6
Поп	219,7	125,5	94,2
Тўрақўрғон	226,2	129,4	96,8
Уйчи	213,1	103,6	109,5
Учқўрғон	172,1	73,8	98,3
Чортоқ	199,1	132,8	66,3
Чуст	265,8	179,8	86,0
Янгиқўрғон	218,0	150,1	67,9

**Наманган вилояти шаҳар ва қишлоқлар
бўйича аҳоли сони тўғрисида маълумот
(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига, минг киши)**




Шунингдек, вилоятдаги жами доимий аҳолининг 1433,1 минг таси эркаклар (жами аҳоли сонининг 50,7 %) ва 1388,8 мингтаси аёлларни (49,3 %) ташкил этади.

Вилоятнинг ҳудудий майдони 7,444 минг кв.км.ни ташкил этиб, аҳоли зичлиги 1 кв.км.га ўртача 379,1 киши тўғри келади. Аҳоли зичлиги юқорилиги бўйича шаҳар ва туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Наманган шаҳарда 1 кв.км.га ўртача 4 193,3 киши, Наманган туманида 1 кв.км.га ўртача 883,0 киши ва Тўрақўрғон туманида 1 кв.км.га ўртача 829,3 киши тўғри келмоқда.

Аҳоли зичлиги паст бўлган туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Поп туманида 1 кв.км.га ўртача 75,5 киши, Мингбулоқ туманида 1 кв.км.га ўртача 170,5 киши ва Чуст туманида 1 кв.км.га ўртача 283,5 киши тўғри келмоқда.

2020 йил 1 апрель ҳолатига ҳудудлар кесимида аҳоли зичлиги


(1 км² киши)



Наманган вилояти ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши		
	жами	шу жумладан:	
		эркак	Аёл
Вилоят жами	2821,9	1433,1	1388,8
Наманган ш.	629,0	323,7	305,3
Мингбулоқ	126,3	64,2	62,1
Косонсой	209,4	106,8	102,6
Наманган	179,4	91,6	87,8
Норин	163,8	83,4	80,4
Поп	219,7	110,4	109,3
Тўрақўрғон	226,2	114,2	112,0
Уйчи	213,1	106,5	106,6
Учқўрғон	172,1	86,2	85,9
Чортоқ	199,1	99,7	99,4
Чуст	265,8	135,8	130,0
Янгиқўрғон	218,0	110,6	107,4

**Наманган вилояти ҳудудлари бўйича
аҳолининг жинси сони тўғрисида маълумот
(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига, минг киши)**




**Аҳолининг табиий ҳаракати
(январь-март ойларида)**

	Киши			ҳар 1000 кишига	
	2019 йил	2020 йил ¹⁾	ўсиш, камайиш	2019 йил	2020 йил ¹⁾
Туғилганлар	13 818	14 710	892	20,3	21,0
Вафот этганлар	3 238	3 200	-38	4,8	4,6
Табиий ўсиш	10 580	11 510	930	15,5	16,4
Никоҳлар	3 651	3 306	-345	5,4	4,7
Ажралишлар	673	557	-116	1,0	0,8

¹⁾дастлабки маълумот

Аҳолининг табиий ҳаракати коэффиценти
 2020 йил январь-март ойларида
 (1000 аҳолига нисбатан, промилле)




Туғилиш даражаси. 2020 йил январь-март ойларида туғилганлар сони 14 710 кишини ташкил қилди ва 2019 йилнинг мос даврига (13 818 киши) нисбатан 892 тага кўпайди. Туғилиш коэффиценти мос равишда 21,0 промиллени ташкил қилди ва 2019 йилнинг мос даврига (20,3 промилле) нисбатан 0,7 промиллега ўсиш бўлди.

Туғилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг Наманган шаҳрида (23,2 дан, 24,8 промиллега), Косонсой туманида (20,4 дан 21,4 промиллега) ва Чуст (19,3 дан 20,1 промиллега) туманларида кузатилди.

2020 йил январь-март ойларида ҳудудларда туғилиш даражаси


(1000 аҳолига нисбатан, промилле)



Ўлим даражаси. 2020 йил январь-март ойларида вафот этганлар сони 3200 кишини ташкил қилди. 2019 йилнинг мос даврига (3238 киши) нисбатан -38 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффиценти 4,6 промиллени ташкил қилди (2019 йил январь-март ойларида – 4,8 промилле).

Вафот этганлар сони кўпайиши Уйчи (4,7 дан 5,0 промиллега), Учқўрғон (5,4 дан 5,5 промиллега) ва Чортоқ (4,2 дан 4,6 промиллега) туманларида кузатилди.

2020 йил январь-март ойларида ҳудудларда ўлим даражаси
(1000 аҳолига нисбатан, промилле)




Никоҳлар ва ажралишлар. 2020 йил январь-март ойларида ФХДЁ органларида 3306 та никоҳлар ва 557 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан промилледа 4,7 никоҳ (2019 йилнинг тегишли даврида – 5,4) ва 0,8 ажралишлар (2019 йилнинг мос даврида – 1,0) тўғри келади.

**Январь-март ойларида тузилган никоҳлар
ва никоҳдан ажралишлар сони**

(бирлик)

	<i>Тузилган никоҳлар</i>		<i>Никоҳдан ажралишлар</i>	
	<i>2019 йил</i>	<i>2020 йил</i>	<i>2019 йил</i>	<i>2020 йил</i>
Вилоят жами	3 651	3 306	673	557
Наманган ш.	483	371	152	91
Мингбулоқ	211	192	37	26
Косонсой	274	258	40	45
Наманган	165	154	43	33
Норин	250	178	52	41
Поп	362	290	70	64
Тўрақўрғон	277	235	32	34
Уйчи	272	220	53	58
Учқўрғон	267	242	46	37
Чортоқ	262	289	42	34
Чуст	519	594	72	60
Янгиқўрғон	309	283	34	34

Туманлар (шаҳар) кесимида никоҳ тузганлар сони ва коэффиценти
(2020 йил январь-март ҳолатига 1000 аҳолига нисбатан, промилле)



Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 1337 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 1750 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи манфий -413 кишига (2019 йилнинг мос даврида - манфий -217 киши) тенг бўлди. Энг катта манфий қолдиқлар Наманган шаҳрида (манфий -178), Тўрақўрғон (манфий -58), Чуст (манфий -87), Норин (манфий -63) туманларида кузатилди.


Туманлар (шаҳар) кесимида кўчиб келганлар сони
(2020 йил январь-март ойларида)



Туманлар (шаҳар) кесимида кўчиб кетганлар сони
(2020 йил январь-март ойларида)



2020 йил январь-март ойларида ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши



**2020 йил январь-март ойларида ҳудудлар кесимида доимий
аҳоли сонининг тақсимланиши**


минг кишида

	<i>Доимий аҳоли сони</i>		
	<i>2019 йил</i>	<i>2020 йил</i>	<i>Ўсиш +/-</i>
Вилоят жами	2763,2	2821,9	58,7
Наманган ш.	614,7	629,0	14,3
Мингбулоқ	123,6	126,3	2,7
Косонсой	204,7	209,4	4,7
Наманган	175,4	179,4	4,0
Норин	160,8	163,8	3,0
Поп	215,7	219,7	4,0
Тўрақўрғон	221,5	226,2	4,7
Уйчи	208,5	213,1	4,6
Учқўрғон	168,8	172,1	3,3
Чортоқ	195,3	199,1	3,8
Чуст	260,6	265,8	5,2
Янгиқўрғон	213,6	218,0	4,4

Вилоятда ўртача ойлик иш ҳақи 2020 йилнинг январь-март ойларида 2098,1 минг сўмни ташкил этиб, вилоят ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Наманган шаҳрида 2478,6 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 118,1 %) ва Тўрақўрғон туманида 2199,1 минг сўмни (104,8 %), ташкил этган.

Бошқа ҳудудларга нисбатан Чуст туманида 1626,1 минг сўмни (77,5 %), Чортоқ туманида 1734,0 минг сўмни (82,6 %), Мингбулоқ туманида 1777,0 минг сўмни (84,7 %), Норин туманида 1802,7 минг сўмни (85,9 %), ташкил этиб, вилоятдаги ўртача иш ҳақига нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

2020 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(Вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан %да)




Наманган вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш хақи
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан
ташқари, минг сўм)

	<i>2019 йил январь-март</i>	<i>2020 йил январь-март</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>
Вилоят жами	1707,9	2098,1	122,8
Наманган ш.	1943,6	2478,6	127,5
Мингбулоқ	1477,8	1777,1	120,2
Косонсой	1580,2	1860,8	117,8
Наманган	1691,1	2051,8	121,3
Норин	1539,5	1802,7	117,1
Поп	1600,1	1893,0	118,3
Тўрақўрғон	1646,8	2199,1	133,5
Уйчи	1598,4	1876,3	117,4
Учқўрғон	1674,1	2067,2	123,5
Чортоқ	1420,6	1734,0	122,1
Чуст	1368,8	1626,1	118,8
Янгиқўрғон	1635,4	2000,1	122,3

**Наманган вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган
иш ҳақи сохалар кесимида**
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан
ташқари)

	<i>Корхона ва ташкилотлар сони (бирлик)</i>	<i>Ходимлар сони (киши)</i>	<i>Иш ҳақи фонди (млн.сўм)</i>	<i>Ўртача ойлик иш ҳақи (минг сўм)</i>
Вилоят жами	4 252	163 877	1 031 470,9	2 098,1
шу жумладан:				
<i>Саноат</i>	39	13 160	90 305,8	2 287,4
Қурилиш	7	475	5 869,6	4 119,0
Савдо	20	2 933	17 762,6	2 018,7
Ташиш ва сақлаш	7	2 925	22 304,8	2 541,9
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	6	175	511,2	973,8
Ахборот ва алоқа	31	359	1 808,8	1 679,5
Молиявий ва суғурта фаолияти	32	3195	37 252,4	3 886,5
Таълим	1 778	77 057	479 867,4	2 075,8
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	100	38 059	200 480,8	1 755,9
Санъат, кўнгатил очиш ва дам олиш	98	1 469	8 708,2	1 976,0
Бошқа фаолият турлари	2 134	24 070	166 599,3	2 307,1

2020 йил январь-март ойларида Наманган вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



2020 йил январь-март ойларида Наманган вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи соҳалар кесимида
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм)

